

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc 02/30.12.2019.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

**КЎЧАРОВ АЗИЗБЕК АЛИШЕР ЎҒЛИ**

**АНГРЕН ҚЎНҒИР КЎМИРИНИ БОЙИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ  
ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**02.00.11 – Коллоид ва мембрана кимёси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент–2023**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Кўчаров Азизбек Алишер ўғли**

Ангрен кўнғир кўмирини бойитиш технологиясини ишлаб чиқиш.....3

**Кучаров Азизбек Алишер угли**

Разработка технологии обогащения Ангенского бурого угля.....21

**Kucharov Azizbek Alisher ugli**

Development of technology for enrichment of Angen brown coal .....39

**Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

**List of published works**..... 42

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc 02/30.12.2019.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

**КЎЧАРОВ АЗИЗБЕК АЛИШЕР ЎҒЛИ**

**АНГРЕН ҚЎНҒИР КЎМИРИНИ БОЙИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ  
ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**02.00.11 – Коллоид ва мембрана кимёси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент–2023**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/T1913 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация иши ЎзР ФА Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси [www.ionx.uz](http://www.ionx.uz) ва “ZiyoNet” ахборот таълим порталига ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Юсупов Фарход Маҳкамович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Эргашев Ойбек Каримович**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Жумаева Дилноза Жураевна**  
техника фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Фарғона политехника институти**

Диссертация ҳимояси Умумий ва ноорганик кимё институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 02/30.12.2019.К/Т.35.01 рақамли Илмий кенгашининг “30” май 2023 йил соат 15<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100170, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси 77-а Тел.: (+99871) 262-56-60, факс: (+99871) 262-76-90, e-mail: [ionxanruz@mail.ru](mailto:ionxanruz@mail.ru)).

Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (36-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси 77-а Тел.: (+99871) 262-56-60, факс: (+99871) 262-76-90.

Диссертация автореферати 15 май 2023 йил куни тарқатилди.  
(2023-15 майдаги № 36 рақамли реестр баённомаси)



**B.S.Zakirov**

Ilmiy darajalar beruvchi ilmiy  
kengash raisi, k.f.d., prof.

**D.S.Salixanova**

Ilmiy darajalar beruvchi ilmiy  
kengash kotibi, t.f.d., prof.

**I.D. Eshmetov**

Ilmiy darajalar beruvchi ilmiy  
kengash qoshidagi ilmiy seminar  
raisi o‘rinbosari t.f.d., prof.

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунёда аҳолининг тез суръатлар билан ўсиб бориши натижасида аҳолини энергия билан таъминлаш тобора кескинлашиб бормоқда. Ушбу муаммо кўплаб нефт, газ ва бошқа турдаги ёқилғи энергия манбааларининг ривожлантириш бўйича юксак ютуқларга эришилганига қарамай XXI аср бошларига келиб ҳам ҳал этилмай қолмоқда. Бу муаммонинг ҳал этишнинг энг самарали усулларида бири кўмир манбаларига қайта ишлов бериш учун муқобил ёқилғи олишнинг янги усуллари ишлаб чиқиш ҳисобланади. Шу муносабат билан кўмир ёқилғисидан кенг миқёсда фойдаланиш учун илғор технологияларни жорий этиш ҳамда сифатсиз кўмир намуналарининг бойитишни янги самарали усуллари ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги кунда дунёнинг етакчи илмий-тадқиқот марказлари томонидан кўмирни бойитишнинг иқтисодий самарадор технологияларини ишлаб чиқиш ва ушбу технологияларда қўлланиладиган кимёвий реагентларнинг янги авлодини яратиш йўналишида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада куллик даражаси юқори бўлган кўмирни минераллардан тозалашда мақбул хом ашёларни танлаш; технологияда сарфланадиган сув сарфини камайтиришнинг технологик режимини аниқлаш; гравитацион ва флотацион жараёнларнинг мақбул шароитларини ишлаб чиқиш; олинган флотореагентларнинг флотацион қобилятини аниқлаш; технологик чиқиндилардан иккиламчи хом ашё сифатида фойдаланиш имконини илмий асослаш; маҳаллий хом ашёлар асосида фойдаланишга яроқсиз кўмирнинг бойитиш технологиясини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда маҳаллий ҳомашёлар асосида кўмирни бойитишнинг иқтисодий самарадор технологияларини яратиш бўйича бир қатор илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...саноатни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, маҳаллий хом ашё манбаларини чуқур қайта ишлаш, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, янги турдаги маҳсулотлар ва технологияларни ўзлаштириш»<sup>1</sup> вазифалари белгилаб берилган. Бу борада, жумладан, Ангрен кўнғир кўмирини бойитиш технологиясини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқотлар катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 майдаги ПҚ-4302-сон «Саноат кооперациясини янада ривожлантириш ва талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сон «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 6 апрелдаги ПФ-4891-сон «Товарлар (ишлар, хизматлар) ҳажми ва таркибини танқидий таҳлил қилиш, импорт

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони

ўрнини босадиган ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш тўғрисида»ги, 2015-йил 2 июлдаги 177-сонли “Кўмир саноати бошқариш тузилмасини такомиллаштириш ва унинг корхоналар фаолияти самарадорлигини ошириш чора тадбирлари тўғрисида”ги шунингдек 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3236 сон «2017-2021 йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги Қарори ва Фармонлари ҳамда 2020 йил 12 августдаги ПҚ-4805 “Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари туғрисида” қарори асосида мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII “Кимё технологиялар ва нанотехнология” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Кўнғир ва тошкўмирларни физик-кимёвий хоссаларининг тадқиқи, қазиб олиш ва бойитиш технологиялари бўйича В. Е. Зайденварг, Т. А. Кулагина, В.А. Кулагин, А.С.Макарова, Л.И. Малцева, В.И.Мурко, К.Н.Трубейкой С. В. Алексеенко, А. А. Беляев, А. И. Борзов, ўзларининг илмий тадқиқот ишларида кенг маълумотлар берилган. Е.Г. Горлов, К. А. Григориев, Г. Н. Делягин, Schurmann Horst, Л.Л. Хотунцева, Э.М. Тай, В.Н. Крохин, А.Т. Элишевич, М.Г. Акопов, И.Ф. Пахал ва бошқа олимлар ушбу йўналишда илмий тадқиқотлар олиб боришган.

Ўзбекистонда коллоид кимё соҳасида Академик К.С. Ахмедов бошчилигидаги илмий мактаб яратилган бўлиб, уларнинг вакилларидан Э.А.Арипов, Ф.Л.Глекель, С.С.Хамраев, С.Н.Аминов, А.А.Агзамходжаев, У.К.Ахмедов, С.З.Муминов, Г.У.Рахматқариев, Ф.М.Юсупов, Б.Н.Хамидов, В.П.Гуро, И.К.Сатаев, Г.Р.Нарметова, Р.К.Ахмедов ва бошқалар унинг ривожланиши учун салмоқли хисса қўшганлар. Ўзбекистонда кўмир кимёси ва уларни қайта ишлаш бўйича тадқиқот олиб борган олимлардан И.Календарев, Р.Р.Хайитов, И.Д.Эшметов, Д.Ж.Жумаева, Д.С.Салиханова каби олимларимиз ўзларининг илмий тадқиқотларини олиб боришган. Республикамиз олимлари томонидан кўмир хом-ашёсини тадқиқ қилиш бўйича бир қанча тадқиқотлар олиб борилган.

Мазкур диссертация ишида куллик даражаси юқори бўлган кўмирларни бойитиш технологияси ва ёниш иссиқлиги юқори бўлган кўмир намуналарини олиш имкониятлари кўрсатиб берилган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Умумий ва ноорганик кимё институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №1-30/10/2019 «2БР-Б2 ва 2БОМСШ-Б2 маркали кўмирлар учун бойитиш технологиясини

ишлаб чиқиш ва уни “Ўзбеккўмир” АЖда жорий этиш мақсадида синовдан ўтказиш» мавзусидаги хўжалик шартномаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** куллик даражаси юқори бўлган кўмирларни бойитишни кам харажатли ва самарали усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Кўнғир кўмирни бойитиш учун физик-механик хоссаларини ҳамда кимёвий хоссаларини таҳлил қилиш;

кўнғир кўмирни бойитиш жараёнига турли омилларнинг таъсирини аниқлаш;

кўмирни турли хил усулларда бойитиш орқали синовлар олиб бориш ва мақбул усулни тавсия қилиш;

кўнғир кўмирни бойитишнинг янгича технологик схемасини ишлаб чиқиш ва флотация орқали бойитиш мақсадида маҳаллий хом ашёлар асосида янгича композицион флотореагент олиш;

кўнғир ва тошкўмирни бойитишнинг технологик регламентини ва ташкилот стандартини ишлаб чиқиш;

кўнғир кўмирни бойитишнинг пилот қурилмасини яратиш;

такомиллаштирилган техник хусусиятларга эга кўмир намуналари олиш мақсадида ишлаб чиқилган технологияни саноат тажриба синовидан ўтказиш;

“Ўзбеккўмир” АЖ конлари шароитида саноат синов тажрибаларини ўтказиш ва жорий этиш.

**Тадқиқотнинг объекти сифатида** маҳаллий кўмир намуналари (Шарғун ва Ангрен конларининг турли хил кўмир маркалари), сульфанол, СФКМ-1, СФКМ-2, кўмирни бойитишдан чиққан чиқиндилар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** флотация, намуналарнинг физик-механик хоссалари, гравитация, механик жараёнларнинг кинетикаси, технология босқичларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотлар жараёнида термогравиметрик анализ, дифференциал термик анализ, элемент анализ, сканерловчи электрон микроскопия, спектрофотометрия, комплекснометрия каби замонавий экспериментал тадқиқот усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:**

кийин бойитиладиган кўмирларнинг физик-кимёвий хусусиятларини тадқиқ қилиш натижасида куллик даражаси 35-60 %, паст ёниш иссиқлиги 1500-2000 Ккал/кг бўлган 2БР-Б2 ва 2БОМСШ-Б2 маркали кўнғир кўмирларни куллик даражаси 20-35%, паст ёниш иссиқлиги 3200-4000 Ккал/кг бўлган ёқилғи массасини 75-80 % унум билан бойитиш имконияти илмий исботланган;

2БР-Б2 ва 2БОМСШ-Б2 маркали кўнғир кўмирлар бойитилганда 3 мм дан 10 мм гача бўлган фракцион таркиб бошқа ўлчамдагиларга нисбатан юқори кулли кўмир зарраларидан ташкил топганлиги аниқланган;

кўнғир ва тошкўмирни бойитишда янги технологияси яратилди, бунда гравитация жараёнини тезлатиш учун СФКМ-2 маркали композиция ишлаб чиқилган бўлиб, бунда СФКМ-1 флотореагентини сульфанол билан ҳосил

қилган СФКМ-2 маркали композитсияси мақбул нисбати 50/50 эканлиги аниқланган;

тебранма элакда 6.0-15 МРа босим остида сув билан ювилиши, 10-20 даража бурчак остида жойлашуви ҳамда гравитация жараёнида барабан минутига 17-18 марта айланиши ва СФКМ-2 нинг гравитацион барабанда аралашуши энг мақбул эканлиги аниқланган;

флотореагент сифатида ишлаб чиқилган СФКМ-2 маркали композициядан фойдаланишда 100 л кўмир суспензиясига ишлаб чиқилган СФКМ-2 маркали композициядан 20 мин давомида 50 мл қўшилганда энг мақбул эканлиги аниқланган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

Кўмирни флотацион ва гравитацион усулда бойитишнинг технологиясида қўлланиладиган СФКМ-2 маркали флотореагент ишлаб чиқилган;

2БР-Б2 ва 2БОМСШ-Б2 маркали фойдаланишга яроқсиз Ангрен қўнғир кўмирларини бойитиш технологияси яратилган;

бойитиш жараёни бўйича илмий-техник ҳужжатлар жумладан, технологик регламент ва ташкилот стандарти ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** термогравиметрик анализ, дифференциал термик анализ, элемент анализ, микдорий ва сифат рентгенографик таҳлил, сканерловчи электронмикроскопия, оптик эмиссион спектроскопия, спектрофотометрия, комплексонометрия каби замонавий усуллар ёрдамида экспериментал натижалар олинганлиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, 2БР-Б2 ва 2БОМСШ-Б2 маркали фойдаланишга яроқсиз Ангрен қўнғир кўмирларини бойитиш учун СФКМ-1 флотореагентини ва сульфанола реагентларининг мақбул нисбатлари топилиб янги СФКМ-2 флотореагенти ишлаб чиқилди, унинг физик-кимёвий хоссалари, флотацион бойитишдаги самарадорлиги ҳамда бойитиш технологиясидаги бир қанча техник кўрсаткичларнинг ўрганилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, фойдаланишга яроқсиз кўмирларни қайта ишлаш имконияти, юқори куликка эга кўмир намуналарини турли минераллардан тозаланиши, бойитилган кўмир намуналарининг юқори ёниш иссиқлигига эгаллиги, кўмирдан ажратиб олинган чиқинди минералларни шиша саноатида ишлатиш орқали утилизация қилиш ҳамда ўқув жараёнларида бу маълумотлар манба сифатида хизмат қилади.

#### **Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

Қўнғир кўмирини бойитиш технологиясини ишлаб чиқиш ёрдамида Ангрен кўмирини бойитиш ва унинг физик кимёвий таҳлил қилиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Ангрен қўнғир кўмирини бойитиш технологиясини ишлаб чиқиш учун техник шарт «Ўзбеккўмир» ОАЖ билан келишилган ва Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат

саломатлиги хизмати томонидан тасдиқланган (Ts 23766064-15:2021). Мазкур техник шарт маҳсулотнинг сифати ва технологик жараёнини назорат қилиш имконини берган;

Яратилган Ангрэн қўнғир кўмирини бойитиш технологияси «Ўзбеккўмир» ОАЖ да амалиётга жорий этилган («Ўзбеккўмир» АЖ нинг 2021-йил 08.07.2021 даги маълумотномаси). Натижада, фойдаланишга яроқсиз 2БР-Б2 ва 2БОМСШ-Б2 маркали қўнғир кўмирлардан фойдаланиш ва халқ хўжалигида қўллаш имконини беради.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 25 та, жумладан 8 та халқаро ва 17 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола республика, 1 та мақола хорижий журналларда ва 1 та монография нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат.

Диссертациянинг ҳажми 120 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгилаб олинган, объекти ва усуллари тавсифланган, илмий янгилиги белгилаб берилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг амалий натижалари келтирилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниш ҳолати, нашр қилинган мақолалар бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Қўнғир кўмирни бойитиш технологиясининг замонавий ҳолати: муаммо ва ечимлар»** деб номланган биринчи бобида ёқилғи энергетикасидаги ресурсларни асраш ва улардан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ долзарб муаммоларни ечишнинг амалий ёндашуви ва назарий асослари келтирилган бўлиб, хусусан кўмирнинг бойитиш борасидаги илмий-техник адабиётлар, патентлар шарҳи ва жаҳон амалиёти тажрибалари ёритилган.

Диссертациянинг **«Хом ашё базасининг таҳлили ва экспериментал тадқиқотлар олиб бориш усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ишида фойдаланилган Давлат Стандартларига мувофиқ бўлган анъанавий ва замонавий тадқиқот усуллари келтирилган бўлиб, улар ёрдамида кўмир намуналарининг физик, кимёвий, механик, каталитик ва адсорбцион хоссалари, шунингдек кимёвий таркиби аниқланган. Ушбу бобда кўмир

намуналарини олиш усуллари ва технологияси, унда фойдаланилган хомашёлар ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Кўмирни бойитишнинг мақбул шароитларини аниқлаш**» деб номланган учинчи бобида кўмирни бойитиш технологияси, флотация жараёни учун флотореагентларнинг физик-механик хоссалари ҳақида маълумотлар келтирилган.


Илмий тадқиқот ишида Ўзбекистондаги Ангрен кўмир конидан қазиб олинган фойдаланишга яроқсиз 2БР-Б2 ва 2БОМСШ-Б2 маркали кўнғир кўмирларнинг сифатини яхшилаш мақсадида уларнинг сифат кўрсаткичлари аниқланиб, натижалар таҳлил қилинди (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### Ангрен кўнғир кўмирларининг кимёвий таҳлил натижалари

Анализ тури	Кўрсаткичлар номи	2БР-Б2	2БОМСШ-Б2
Техник анализлар	Намлиги, %	11.5	14.2
	куллик даражаси, А°, %	48.09	52.44
	юқори ёниш иссиқлиги ккал/кг	1610-2450	1540-2380
Элемент таркиби, %	Углерод, С	63-77	60-75
	Кислород, О	16-28	17-34
	Водород, Н	4.0-6.3	4.2-5.8
	Азот, N	0.7-1.4	0.5-1.5
	Олтингугурт, S	0,1-1,8	0,1-1,8
Кўмир кули кимёвий таркиби, %	SiO <sub>2</sub>	58.1	66.9
	Fe <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	2.1	1.6
	Al <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	27.6	18.2
	CaO	8.4	7.9
	MgO	1.8	2.3
	Na <sub>2</sub> O	0.6	0.9
	K <sub>2</sub> O	1.2	0.7

Қийин бойитиладиган кўмирларнинг физик ва физик-кимёвий характеристикалари аниқланиб, бойитилаётган синфнинг чегараси ва бойитишнинг рухсат этилган технологик кўрсаткичлари аниқланди бунда куллик даражаси 35-60 %, ёқилғи массасини ажратиш 75-80 % га тенг эканлиги кузатилди. Ёқилғи массаси ва кўмир турининг ажралиши 3 дан 10 мм. ҳамда юқори минералли кўмир фракцияси борлиги аниқланди. Қийин бойитиладиган кўмирларни физик ва физик-кимёвий характеристикалари аниқланди (1-расм). Кўп жинсли кўмирларни фракцияларга ажратилди ва кўллилик даражаси ўрганилди. Хар хил фракцияларда натижаларнинг турлича эканини жадвалдан куриш мумкин. Агар куллик даражалари фарк килса, кўмирнинг кимёвий таркибида ҳам ўзгаришларни кўриш мумкин.



**1-расм. 2БОМСШ-Б2 кўмирнинг кимёвий таркибини фракцияларга боғликлиги**

Кўпик ҳосил қилувчи реагент сифатида СФКМ-2, Экофол 440 S ва бутил спирти ишлаб чиқариш қолдиқларидан фойдаланилиб, СФКМ-2 нинг физик кимёвий хусусиятлари бошқа импорт маҳсулотлари билан таққосланганда юқори натижага эришилди. Флотореагентлар кимёвий таркиби 2-жадвалда келтирилган.

**2-жадвал**

**Турли хил флотореагентлар ва уларнинг таркиби**

Флотореагентлар номи	Таркибидаги кимёвий гуруҳлар, %
Термогазойл	ароматик углеводородлар-41
	тўйинмаган углеводородлар-29
	парафинлар ва нафтенлар-30
ЛДП	тўйинмаган углеводородлар-60
	аренлар-10
Экофол 440 S	2-этил-1-гексанол-18,3-18,6
	нормал занжирли (C9-C12) спиртлар-5,6-6,0
	тармоқланган занжирли (C10-C13) спиртлар-14,0-14,5
	2-(дисиклокси)-этанол-14,0-14,5
	йоғ кислоталарининг (C10-C12) эфирлари-2,2-2,5
	тармоқланган олефинлар (C10-C12) -32,8-33,0
СКФМ-2	йоғ кислоталарининг (C10-C18) эфирлари-2,2-2,5
	нормал занжирли (C6-C20) углеводород радикаллари-5,6-6,0
	Занжирли углеводород радикаллари C15-C20 ва сулфогуруҳлар, $-C\equiv N$ , $N=O$ , $R-NO_2$ $C=O$ гуруҳли бирикмалар
	ОН гуруҳи борлигини аниқлайди, углеводород радикаллари $C_{12}-C_{20}$ ва органик тузлар


Бунда СФКМ-1 маркали сирт фаол модда сульфанола моддаси билан модификация қилинди ва СФКМ-2 маркали флотореагент олинди. СФКМ-1 нинг карбоксил гуруҳидаги ёки сульфанола таркибидаги кислород ва радикал таркибидаги водородлар орасида вужудга келадиган водород боғланишлар натижасида турли хил композициялар ҳосил бўлган. Олинган композициянинг физик кимёвий хусусиятлари ўрганилган. Натижада, сирт фаоллик хусусияти ва флотореагентлик хоссаларидан келиб чиқиб 2БР-Б2 ва 2БОМСШ-Б2 маркали Ангрен қўнғир кўмирларини флототацион бойитиш жараёни учун тадқиқ қилинган.

Олинган натижаларга кўра, СФКМ-1 флотореагентини сульфанола билан ҳосил қилган СФКМ-2 маркали композитсияси мақбул нисбати 50/50 эканлиги аниқланди (2-расм). Олинган композициянинг сирт фаоллик хусусияти туфайли 2БР-Б2 ва 2БОМСШ-Б2 маркали Ангрен қўнғир кўмири бойитилганда куллик даражаси 46 % дан 28 % гача камайтирилганлиги аниқланган.




**2-расм. СФКМ-2 ни сульфанола билан ҳосил қилган СФКМ-2 маркали композитциясининг куллик даражасини камайтиришга таъсири**

Бойитилган 2БР-Б2 ва 2БОМСШ-Б2 маркали Ангрен қўнғир кўмирининг физик кимёвий хусусиятлари таҳлил қилинганда, энг мақбул ҳажм 50 мл эканлиги аниқланган (3-расм). Бунда 50 мл реагент қўшилганда юқори иқтисодий самарали ва энергия тежамкорликка эришилиши кузатилди.




**3-расм. СФКМ-2 моддасини 100 л суспензияга қўшилаётган миқдори**

О'zDSt талабига кўра куллик даражаси 34% гача бўлган кўнғир кўмир фойдаланишга яроқли ҳисобланади. Ангрен кўнғир кўмирини 15 минут давомида реакция олиб борилганда иқтисодий самарали яъни энергия тежамкор мақбул шароит эканлиги аниқланди (4-расм). Тажрибада кўмирни бойитишда ишлатиладиган сирт фаол модда танланиб, унинг унимдорлиги ўрганилган. Бунинг учун сифатли ва флотация жараёнида ишлатиладиган кўпик ҳосил қилувчи реагент сифатида СФКМ-2 танлаб олиниб бир хил вақт ва бир хил миқдорда кўшилади.




**4 -расм. СФКМ-2 моддасини 100 л суспензияга кўшиладиган вақти**

Олинган натижалардан кўриниб турибдики, Оксаля Т-66 маркали кўпик ҳосил қилувчи реагентдан фойдаланиб кўмир гравитацион ва флотацион бойитилганда ижобий кўрсаткичли натижага эришилган. Бу модда асосида олинган СФКМ-2 ёрдамида гравитацион ва флотацион бойитилганда О'zDSt талабларига мос кўмир намуналари олинди (5-расм). 2БР-Б2 ва 2БОМСШ-Б2 маркали Ангрен кўнғир кўмир намуналари ишлаб чиқилган тажриба қурилмасида бойитилган.




**5- расм. Кўмирни бойитишда ишлатиладиган сирт фаол моддалар таҳлили**

Кўмирни бойитиш натижасида ҳосил бўладиган технологик чиқинди ва ҳозирда шиша ишлаб чиқариш корхонасида фойдаланиладиган кремний оксиди композитларининг тузилиши рентген нурлари диффракцияси диффрактограмма эгрлари ёрдамида таққослаш йўли билан тадқиқ қилинди.



**6-расм. Кремний бирикмасининг дифрактограммаси**



Технологик чиқинди ва кремний тўрт оксидининг диффракция шакли уларнинг кристалл тузилишини кўрсатади. Кристалл тузилишли кремний бирикмаларидан фойдаланиш шиша саноати учун қўлланиладиган кремний бирикмаларига қуйиладиган талаблардан бири ҳисобланади.



**7 -расм. Технологик чиқиндининг дифрактограммаси**


Кремний бирикмаси эгри чизиғини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, намунада 200<sup>0</sup>С гача бўлган ҳароратда деярли ҳеч қандай ўзгаришлар рўй бермайди, вазн йўқотиш жуда кичиклиги туфайли, уларни эътиборсиз қолдириш мумкин (6-расм), аммо технологик чиқиндида бошқача кўриниш кузатилади, бу ерда 200<sup>0</sup>С гача вазн йўқотиш сезиларли ва уларни эътиборсиз қолдириб бўлмайди. Уларнинг қиймати умумий массанинг 7 дан 9% гача етиши 6-7-расмларда келтирилган натижалардан кўриниб турибди.

Бойитишдан олдин ва бойитиш натижасида олинган 2БР-Б2 маркали Ангрен кўнғир кўмири сирт юзасининг ҳолати сканерланган электрон микроскоп ёрдамида ўрганилди.



**8-расм. Бойитишдан олдинги 2БР-Б2 маркали Ангрен кўнғир кўмирининг электрон микроскоп ёрдамида олинган тасвири ва унинг элемент таркиби**

Тадқиқот давомида олинган электрон микроскоп тасвирларидан маълум бўлдики, бойитишдан олдинги Ангрен кўнғир кўмирининг юзаси текис, чунки сирт юзасидаги ғоваклар очилмаган (8-расм).



**9-расм. Бойитилгандан кейин 2БР-Б2 маркали Ангрен кўнғир кўмирининг электрон микроскоп ёрдамида олинган тасвири ва унинг элемент таркиби**


СЭМ таҳлили шуни кўрсатадики, бойитишдан олдинги намуналарда 2БР-Б2 маркали Ангрен кўнғир кўмир таркибидаги қўшимчалар ҳисобига тасвирда кўмир қисм юзаси тиниқ эмас. Углерод 45%, алюминий 10% ва кремнийнинг миқдори 14% эканлигини элемент таркибидан маълум. Бунда кремний ва алюминийни камайтириш орқали углерод миқдори ортганини кўриш мумкин (9-расм).

Диссертациянинг “Кўмирни бойитиш жараёни ва уларнинг таснифи” деб номланган тўртинчи бобда кўмирни бойитиш вақтида борадиган жараёнлар ва уларнинг таснифи ўрганилган. 2БР-Б2 ва 2БОМСШ-Б2 кўнғир кўмир маркаларини бойитиш учун аввал у тебранма элакдан ўтказилди ва кичик фракцияли кўмирлар гравитацион барабанга юборилди. Катта бўлақларининг сифати ёмон бўлса майдалагичда майдаланади. Гравитациявий барабанда кимёвий ишловдан ўтиб, турли минерал таркибдан тозаланади. Барабандан ўтган кўмирлар флотация реакторида қайта ишланади ва кўмир қуритиш мосламасига юборилади. Бойитилган ва қуритилган кўмирлар брикетлаш машинасига юборилади ва брикет шаклида тайёр маҳсулот олинади (10-расм).

Тажирибада 2БР-Б2 ва 2БОМСШ-Б2 маркали кўнғир кўмирнинг ёниши натижасида ҳосил бўлган кул ўрганилди, уларнинг минерал таркиби (35-60%) кўплиги аниқланди ва кул миқдори текширилди. Кўмир кулида кўп миқдорда кремний, алюминий ва калций оксидлари мавжудлиги кўзатилди.

Яратилган пилот ускунада «Ўзбеккўмир» ОАЖ Ангрен кўмир конида жойлашган 2БР-Б2 и 2БОМСШ-Б2 маркали кўнғир кўмирнинг 0-30 см фракцияли намуналари бойитилди. Бунинг учун кўмир намуналари дастлаб босим остида артизан суви юборилади ва тебранма элакдан ўтказилади.

Тебранма элак 0.3-1.0 см лик ситадан иборат бўлиб, эни 80 см ва буйи 100-120 смга тенг. (11-расм).



**10-расм. Кўмирни бойитишнинг технологик схемаси**


1-дастлабги кўмир намуналари, 2-тебранма элак, 3-сув крани 4 -элакдан ўтган кўмир, минерал қисм ва сув, 5-гравитацион барабан, 6, 7- технологик чиқинди, 8- конвейер орқали ўтаётган суспензия ҳолатидаги кўмир ва минерал қисм. 9- ҳаво учун кран, 10-флотацион реактор, 11- куритиш мосламаси, 12- брикет қурилмаси, 13,14-тайёр маҳсулот, 15-СФМ солинадиган қисм, 16- куритиш мосламасидан чиқадиган сув, 17- оқова сув



**11-расм. Кўмирни бойитиш учун яратилган пилот қурилмаси**

Бойитиш жараёнида флотареагент сифатида йиғгичлар ва кўпик ҳосил қилувчилар биргаликда комплекс реагент сифатида қўлланилади. Кўпик ҳосил қилувчилар органик сирт актив моддалар бўлиб, кўпикнинг ташқи қаватида адсорбцион парда ҳосил қилади ва кўпикнинг барқарорлигини оширади. Йиғгичлар органик моддалар бўлиб, молекуласи қутбсиз (углеводородли) ва қутбли (карбоксил, гидроксил ва бошқа) қисмлардан тузилган бўлади. Бу моддалар ўзининг қутбли қисми билан кўмир юзасига адсорбцияланади ва кўмир гидрофоблигини кескин оширади. Натижада гидрофоб кўмир заррачалари пуфакчалар сиртида йиғилиб суюқлик юзасига қалқиб чиқади. Қалқиб чиққан концентрат ажратиб олинади ва қурилади. 2БР-Б2 ва маркали кўмирни флотацион бойитиш натижалари келтирилган (12-расм).

Қазиб олинаётган кўмир таркибида майда фракциялар миқдори кўп бўлиб, бойитиш жараёнида шу майда фракцияларни ажратиб олиш аҳамиятли ҳисобланади. Майда фракцияларни бойитишнинг самарали усулларида бири флотация жараёни ҳисобланади. Бунда биринчи босқич элак устида сув билан бойитилгандаги минераллар миқдори 25.7 % ни ташкил қилган. Бунда фракция ўлчами 3-100 мм орасида бўлади ва намлик 27-35 % ни ташкил қилади. Иккинчи босқич гравитацион барабанда бойитилгандан сўнг минераллар миқдори 30.9 % ни ташкил қилган. Намлик эса кўмир намуналари филтрлаб кейин ҳисобланганда 26.5 % ни ташкил қилган. Учинчи босқич флотацион реакторда бойитилгандаги минераллар миқдори 25.7 % гача тушганини ва намлиги 24-30 % миқдоридаги натижалар 12-расмда келтирилган.



**12-расм. Турли маркали кўнғир кўмирларни яратилган пилот қурилмаси ёрдамида бойитилгандаги натижалар таҳлили**

Яримсаноат усулида 2БР-Б2 ва 2БОМСШ-Б2 маркали кўнғир кўмирларни бойитиш жараёнида чиқадиган технологик чиқиндидан хом-ашё сифатида фойдаланиб КТ маркали жигарранг шиша олинди. Бу шишанинг O'zDsT ва Республикада чиқадиган КТ маркали жигарранг шишалар билан солиштирилганда бошқа шишалардан қолишмайдиган шиша олинди ва натижалари 3-жадвалда келтирилган. Олинган шишанинг физик-кимёвий хоссалари белгиланган талаблар асосида текширилиб ўзаро таққосланди.

### 3-жадвал

#### Бойитиш жараёнида чиқадиган технологик чиқиндини шиша саноатида қўллагандаги КТ маркали жигарранг шишанинг хоссалари

Шишанинг технологик кўрсаткичлари		Шиша маркалари			
		КТ	КТ	КТ	КТ
		O'zDsT	Campalia	Асл ойна	Технологик чиқинди/ ишлатиладиган кўмир нисбати 40/60
Кимёвий таркиби	SiO <sub>2</sub>	71.1(±2.5)	72.09	72.2	70.9
	Al <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	3.3±1.5	2.8	3.1	3.3
	Fe <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	0	0.278		0.29
	CaO	11.0(±1.5)	6.8	11.0	6.9
	MgO		3.4		3.7
	Na <sub>2</sub> O	14.3 ± 0.9	14.1	14.2	14.4
	K <sub>2</sub> O		0.09		0.2
	SO <sub>3</sub>	0,3	0.1	0.2	0.1
Зичлиги ГОСТ 32131-2013		2.47-2.51	2.5023	2.4955	2.5049
Сувга чидамлиги ГОСТ 32131-2013		0≥0.35	0.21	0.18	0.19
Кимёвий барқарорлиги ГОСТ 32131-2013		0≥0.35	0.17	0.21	0.17
Температурага чидамлиги ГОСТ 32131-2013		+	+	+	+

Лаборатория шароитида дастлабки синовдан ўтказилган натижалар асосида ЎзР ФА УНКИ "Кимёвий технология, газни қайта ишлаш ва СФМ" лабораториясида яратилган технология иштирокида кўмир намуналари

бойитилиши Ўзбеккўмир ОАЖ да ярим саноат синовдан ўтказилди. Натижада, Ўзбеккўмир ОАЖ да саноат миқёсида кўмирларни бойитиш технологиясини жорий этишга тавсия берилди. Дастлабки иқтисодий кўрсаткичлар натижалари шуни кўрсатдики, кўнғир кўмир намуналари бойитилганда йиллига 4000 тонна кўмир учун 1,3 млрд. сўмлик кутилаётган иқтисодий самарага эришилади.

Тадқиқотда олиб борилган изланишлар асосида яроқсиз холдаги кўмир намуналаридан фойдаланиш учун янги турдаги бойитиш технологияси яратиш бўйича долзарб илмий-техникавий муаммолар ҳал этилиши кўзатилади.

## ХУЛОСАЛАР

1. Кўнғир кўмирининг физик-механик хоссалари ва кимёвий таркиби таҳлил қилинди, бунда кўмир намуналарининг фракция ўлчами кичик (0-5 мм) намуналарда куллик даражаси юқорилиги (48-55%) ҳамда ёниш исскилиги пастлиги аниқланди, бойитишнинг асосий параметрлари ва сувли муҳитда минераллардан тозалашнинг мақбул шароитлари аниқланди.

2. Ишлаб чиқилган технология асосида биринчи бор куллик даражаси 50-55% лик Анрген кўнғир кўмирини гравитацион ва флотацион усуллар ёрдамида 20-30 % гача туширилиб, натижада ёниш исскилигини 1000 кж дан 5000 кж гача оширилди.

3. Гравитация жараёнини тезлаштиришнинг мақбул шароитлари аниқланди, бунда барабанн бир минутда 16-18 марта айланиш ва 120-200 л сувда 20 мин давомида 100 кг кўмир СФКМ-2 ёрдамида бойитиш мақбул эканлиги аниқланди.

4. Флотацион реагент сифатида маҳаллий хом ашёлар асосида яратилган сульфаноли моддаси асосида СФКМ-2 маркали янги композиция яратилди. Бойитиш жараёнида уларни қўллашнинг мақбул шароитлари сифатида 50 мл композицияни 20 мин давомида фойдаланишнинг параметрлари ўрганилиб флотореагентларнинг хоссалари ва уларнинг моделлари таклиф этилди.

5. СФКМ-2 нинг гравитацион ва флотацион усулларда қўлланилганда куллик даражасини тадқиқи ва уларнинг физик кимёвий таҳлиллари олиб борилди. Ҳар хил усулда бойитилган кўмирларнинг ёнувчанлик даражаси ошишига хизмат қилувчи куллик миқдори ва кимёвий таркиби, шунингдек технологик чиқиндининг кристал тузилиши ўрганилди.

6. Олинган натижалар асосида, тадқиқот ишида кўнғир кўмирни бойитиш учун чиқиндисиз технология ишлаб чиқилди. Бунда технологик чиқинди ҳисобланган сувни қайтадан гравитацион барабанга йўналтирилиши сув муаммосини олдини олишга эришилди. “САНПАЛИА” МЧЖ да фойдаланиладиган кўмир ва технологик чиқинди нисбатини 60/40 нисбатда қўллаш орқали мақбул режим ишлаб чиқилди. Кўмирдан ажратиб олинган чиқинди ҳолатдаги минераллар шиша ишлаб чиқариш саноати учун тавсия берилди.

7. «Ўзбеккўмир» ОАЖ да Анрген кўмир конидан қазиб олинган фойдаланишга яроқсиз 2БР-Б2 ва 2БОМСШ-Б2 маркали кўнғир кўмирларнинг

сифатини яхшилаш мақсадида, мазкур тавсия этилган технологияни амалиётда жорий қилиш учун пилот қурилма яратилди. Кўмирларни бойитиш учун тажриба-саноат синови ўтказилди ва жорий этишга тавсия берилди.

8. Танланган кўмир маркалари учун уларни бойитиш орқали талаб этиладиган иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларининг моддий баланси ишлаб чиқилди. Яроқсиз ҳолатдаги кўмирларни бойитиш натижасида, Республикамиздаги 2,0 млн тонна кул миқдори юқори (48-65 %) сифатсиз кўмирнинг куллик миқдори 20-35% гача туширилди. Бунда йиллик иқсодий самарадорлик 4000 тонна кўмирдан 1,3 млрд. сўмлик кутилаётган иқтисодий самарага эришилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc 02/30.12.2019.К/Т.35.01 ПРИ ИНСТИТУТЕ  
ОБЩЕЙ И НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЁНОЙ СТЕПЕНИ**

---

**ИНСТИТУТ ОБЩЕЙ И НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ**

**КУЧАРОВ АЗИЗБЕК АЛИШЕР УГЛИ**

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ ОБОГАЩЕНИЯ АНГРЕНСКОГО  
БУРОГО УГЛЯ**

**02.00.11 – Коллоидная ва мембранная химия**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)**

**Ташкент–2023**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована под номером В2020.4.PhD/Т1913 в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в Институте общей и неорганической химии АН РУз.  
Автореферат диссертации размещен на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на веб-странице Научного совета по адресу [www.ionx.uz](http://www.ionx.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу [www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Юсупов Фарход Маҳкамович</b> доктор технических наук, профессор
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Эргашев Ойбек Каримович</b> доктор химических наук, профессор <b>Жумаева Дилноза Жураевна</b> доктор технических наук, профессор
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Ферганский политехнический институт</b>

Защита диссертации состоится «30» мая 2023 года в «15<sup>00</sup>» часов на заседании Научного совета 02/30.12.2019.К/Т.35.01 при Институте общей и неорганической химии по адресу: 100170, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 77а, Тел.: (99871)2625660; факс: (99871)2627990; e-mail [ionxanruz@mail.ru](mailto:ionxanruz@mail.ru)

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Института общей и неорганической химии за №36, с которой можно ознакомиться в информационно ресурсном центре (100170, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 77а, тел: (+99871) 262-56-60).

Автореферат диссертации разослан «15» мая 2023 года.  
(реестр протокола рассылки №36 от «15» мая 2023 года).



**Б.С. Закиров**  
Председатель научного совета по  
присуждению ученой степени, д.х.н., проф.

**Д.С. Салиханова**  
Ученый секретарь научного совета по присуждению  
ученой степени, д.т.н., проф.

**И.Д. Эшметов**  
Зампредседателя научного семинара при научном  
совете по присуждению ученой степени, д.т.н., проф.

## **ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора наук (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Во всем мире на сегодняшний день, в результате быстрого роста населения, все более актуальным становится обеспечение населения энергией. Эта проблема остается нерешенной до 21 века, несмотря на высокие успехи, достигнутые в освоении многих нефтяных, газовых и других видов топливных источников энергии. Одним из наиболее эффективных путей решения этой проблемы является разработка новых способов получения альтернативных видов топлива для переработки угольных ресурсов. В связи с этим важно внедрение передовых технологий крупномасштабного использования угольного топлива и разработка новых эффективных методов обогащения низкокачественных проб углей.

В настоящее время ведущие мировые научно-исследовательские центры проводят ряд научных исследований в направлении разработки экономически эффективных технологий обогащения углей и создания химических реагентов нового поколения, используемых в этих технологиях. В связи с этим особое внимание уделяется на выбор оптимального сырья для обессоливания углей с высоким уровнем зольности; определение технологического режима снижения расхода воды в технологии; разработка оптимальных режимов гравитационных и флотационных процессов; определение флотационной способности полученных флотореагентов; научное обоснование возможности использования технологических отходов в качестве вторичного сырья; разработке технологии обогащения непригодных углей на основе местного сырья.

В нашей Республике достигается ряд научных и практических результатов по созданию экономичных и эффективных технологий обогащения углей на основе местного сырья. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан поставлены задачи «...поднятия отрасли по качеству на новый уровень, глубокая переработка местных источников сырья, ускорения производства готовой продукции, освоения новых видов продукции и технологий»<sup>1</sup>. Большое значение имеют научные исследования, направленные на разработку технологии обогащения ангреноского бурого угля.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан от 1 мая 2019 г. № УП-4302 «О мерах по дальнейшему развитию производственной кооперации и расширению производства востребованной продукции», УП-4265 от 3 апреля 2019 года «О мерах по дальнейшему реформированию химической отрасли и повышению ее инвестиционной привлекательности», ПП-4891 от 6 апреля 2017 года «О критическом анализе объема и состава товаров (работ, услуг), углублении локализации

---

<sup>1</sup>Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 г. «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

импортозамещающего производства», УП-177 от 2 июля 2015 года «О мерах по совершенствованию структуры управления угольной промышленностью и повышению эффективности ее предприятий», а также УП-3236 от 23 августа 2017 года «О программе развития химической промышленности на 2017-2021 годы» и УП-4805 от 12 августа 2020 года «О мерах по повышению качества непрерывного образования и продуктивности науки в области химии и биологии», а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

**Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Узбекистана VII. «Химическая технология и нанотехнология».

#### **Степень изученности проблемы.**

Исследование физико-химических свойств бурых и каменных углей, технологий добычи и обогащения В. Э. Зейденварг и другие ученые проводили научные исследования в этом направлении.

Зайденварг и другие ученые проводили научные исследования в этом направлении по изучению физико-химических свойств бурого угля и угля, технологий добычи и обогащения.

В. Е. Зайденварг, Т. А. Кулагина, В.А. Кулагин, А.С.Макарова, Л.И. Малцева, В.И.Мурко, К.Н.Трубецкой С. В. Алексеенко, А. А. Беляев, А. И. Борзов в своих научно-исследовательских работах по изучению физико-химических свойств бурых и каменных углей, технологии добычи и обогащения дали обширную информацию. Е.Г. Горлов, К. А. Григориев, Г. Н. Делягин, Schurmann Horst, Л.Л. Хотунцева, Э.М. Тай, В.Н. Крохин, А.Т. Элишевич, М.Г. Акопов, И.Ф. Пахал и другие ученые также проводили научные исследования в этом направлении.

В Узбекистане была создана научная школа в области коллоидной химии под руководством академика К.С. Ахмедова, представители которой Э.А.Арипов, Ф.Л.Глекель, С.С.Хамраев, С.Н.Аминов, А.А.Агзамходжаев, У.К.Ахмедов, С.З.Муминов, Г.У.Рахматкариев, Ф.М.Юсупов, Б.Н.Хамидов, В.П.Гуро, И.К.Сатаев, Г.Р.Нарметова, Р.К.Ахмедов и другие ученые внесли значительный вклад в ее развитие. Среди ученых, проводивших исследования по химии углей и их переработке в Узбекистане, свои научные исследования вели такие наши ученые, как И.Календарев, Р.Р.Хайитов, И.Д.Эшметов, Д.Ж.Жумаева, Д.С.Салиханова. Ученые нашей республики провели ряд исследований по изучению угольного сырья.

В данной диссертационной работе показана технология обогащения углей с высоким уровнем зольности и возможности получения образцов углей с высокой теплотой сгорания.

**Связь темы диссертации с научно-исследовательскими работами высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация.**

Диссертационное исследование в соответствии с планом научно-исследовательской работой Института общей и неорганической химии

реализуется в рамках контракта №1-30/10/2019 на тему «Разработка технологии обогащения углей 2БР-Б2 и 2БОМСШ-Б2 и ее испытания с целью внедрения на АО «Узбекуголь».

**Цель исследования.** Разработка малозатратных и эффективных способов обогащения углей с высоким содержанием золы.

**Задачи исследования:**

анализ физико-механических свойств и химических свойств бурого угля для обогащения;

определить влияние различных факторов на процесс обогащения бурого угля;

проведение испытаний по обогащению угля различными способами и рекомендация оптимального метода;

разработка новой технологической схемы обогащения бурого угля и получение нового композиционного флотореагента на основе местного сырья для обогащения методом флотации;

разработка технологических регламентов и организационных стандартов по обогащению бурых и каменных углей;

создание пилотного устройства для обогащения бурого угля;

проведение опытно-промышленных испытаний разработанной технологии с целью получения образцов угля с улучшенными техническими характеристиками;

Проведение и внедрение опытно-промышленных опытов в месторождениях АО «Узбекуголь».

**Объектами исследования** являются местные пробы углей (разные марки угля месторождений Шаргун и Ангрэн), сульфанола, СФКМ-1, СФКМ-2, отходы обогащения углей.

**Предметом исследования** являются флотация, физико-механические свойства образцов, гравитация, кинетика механических процессов, разработка технологических стадий.

**Методы исследования.** В ходе исследований были использованы современные экспериментальные методы исследования, такие как термогравиметрический анализ, дифференциально-термический анализ, элементный анализ, сканирующая электронная микроскопия, спектрофотометрия, комплексонометрия.

**Научная новизна исследования** заключается в следующем:

